

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SHO'RCHI TUMAN
HOKIMINING
Q A R O R I



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ШУРЧИНСКОГО РАЙОНА

191500, Sho'rchi tumani, Mustaqillik ko'chasi 72-uy. tel.: 0(376)45-74-100, fax: 0(376)45-74-100

20 19 yil "28" 02

№ 864 - sonli

**Шўрчи туманидаги қишлоқ хўжалиги
ва мелиоратив техникаларни, шунингдек,
машина-трактор парклари, устахоналар
ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини
2019 йилда мажбурий техник кўриқдан
ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом” (рўйхат рақами-2452, 25.04.2013 йил) га асосан 2019 йилда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган барча қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (кейинги ўринларда Техникалар деб юритилади) мажбурий техник кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш Инспекциянинг Сурхондарё вилоят Шўрчи туман бўлими (кейинги ўринларда Инспекция) томонидан рўйхатдан ўтказилган барча техникаларнинг 2019 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши таъминлансин.

2. Тумандаги барча техникаларни рўйхатини шакллантириш ҳамда техник кўриқдан ўтказиш Инспекциянинг техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори (М.Худояров) зиммасига юклатилсин.

3. Техник кўриқдан ўтказишда:

барча техникаларнинг техник ҳолати ва жиҳозлари стандарт талабларига, йўл ҳаракати ва техника хавфсизлиги қоидалари ҳамда нормаларига мос келиши;

техник кўрик бошлангунга қадар барча диагностика аппаратлари текширилиши, махсус техникалар, ҳаракатланувчи таъмирлаш ва тузатиш устахоналарининг жиҳозланганлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. 2019 йилда техник кўрикни уюшқоқлик билан сифатли ўтказиш, техникаларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш мақсадида, техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 2-иловага, 2019 йил давомида техникаларнинг техник кўриқдан ўтказилганлиги учун ундириладиган йиғимларнинг ставкалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тумандаги ҳар бир техника эгаси ўзининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилдиришни таъминласин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Лолаев зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Туман ҳокими



Б.Алимов